

“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ  
Кузатув кенгашининг  
2019 йил 9 сентябрдаги  
449-сонли йиғилиш қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”  
Йиғилиш раиси

\_\_\_\_\_ Ф.Ташпулатов

м.ў.

Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлигида  
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Директор

\_\_\_\_\_ А.Назиров

«25» октябрь 2019г. № P0061-19

м.ў.

## ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОП

“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди:

Хужжатсиз эгасининг номи ёзилган оддий акциялар	R	U	1	1	9	P	0	0	6	1	W	5
Хужжатсиз эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар	R	U	2	1	9	P	0	0	6	1	W	3

**Хужжатсиз эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони 1 737 541 925 (бир миллиард етти юз ўттиз етти миллион беш юз қирқ бир минг тўққиз юз йигирма беш) дона ва хужжатсиз эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони 475 000**

**(тўрт юз етмиш беш минг) дона номинал қиймати 1 (бир) сўм**

*(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)*

**Мазкур чиқарилган акциялар ёпиқ обуна шаклида компаниянинг барча акциядорлари ўртасида жойлаштирилади.**

*(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)*

**Ушбу чиқарилган акциялар 19 – сон чиқарилиши ҳисобланади**

*(чиқарилишининг тартиб рақами)*

"KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ Кузатув кенгашининг 2019 йил 09 сентябрдаги 449-сонли йиғилиш баёни билан, "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ акциядорларнинг 2019 йил 28 июндаги умумий йиғилишининг 1-сонли йиғилиш қарорига асосан тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур Шох кўчаси 13, 13А.

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000 Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур Шох кўчаси 13, 13А.

Алоқа телефони: (71) 202-20-26

Электрон почта манзили: [info@kafolat.uz](mailto:info@kafolat.uz)

Бошқарув раиси \_\_\_\_\_ С.С.Насретдинов

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ Т.Шустова

«09» сентябрь 2019 й.

- 1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли) – оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган акциялар;**
- 2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – хужжатсиз;**
- 3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм) - 1 (бир) сўм;**
- 4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона) – умумий сони 1 738 016 925 дона, шундан 1 737 541 925 дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 475 000 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция;**
- 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм) – 1 738 016 925 (бир миллиард етти юз ўттиз саккиз миллион ўн олти минг тўққиз юз йигирма беш) сўм;**
- 6. Ушбу чиқарилган акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:**

Компания акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- уларни компания акциядорлари реестрига киритиш;
- ўзига керакли бўлган депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- компания соф фойдасининг бир қисмини дивиденд кўринишда олиш;
- компания тугатилганида ўзига тегишли бўлган улуш миқдорида мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш орқали компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- компаниянинг молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича тўлиқ ва ишончли ахборотларни белгиланган тартибда олиш;
- олинган дивидендларни эркин бошқариш;
- ваколатли давлат ташкилотларида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- унга етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплашни талаб қилиш;
- ўзининг манфаатларини тақдим этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
- зарар билан боғлиқ бўлган хатарларни суғурталаш, шу жумладан қимматли қоғозларга эгалик қилишдаги манфаатдорликни йўқотиш.

Имтиёзли акцияга эгалик қилувчи акциядорлар биринчи навбатда дивидент олиш, шунингдек компания тугатилганда эгалик қилувчи акциялар бўйича маблағлар олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли акциялар унга эгалик қилувчиларга компания даромадидан қатъий назар компания уставига мувофиқ дивидент олиш ҳуқуқини беради.

Компания акциядорлари қонунчиликда ва компания уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

- 7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – компания уставида ушбу чиқарилишга чеклашлар мавжуд эмас.**

"KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш қарорига (2019 йил 28 июндаги 1-сонли мажлис баёни) мувофиқ, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этишлари учун 2019 йил 24 июнь ҳолатига шакллантирилган "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ акциядорлари реестрига асосан мазкур акцияларнинг чиқарилуви ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда ҳар бири 1835 дона акцияга 95 дона қўшимча акция ҳисобидан тақсимланади.

- 8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм) - 33 571 169 025 сум;**

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони** (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

- 33 561 994 025 дона хужжатсиз эгасининг номи ёзилган оддий акция;

- 9 175 000 дона хужжатсиз эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция.

**10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони** (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – компания томонидан корпоратив облигациялар муомалага чиқарилмаган.

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули** (очиқ ёки ёпиқ обуна) – Мазкур чиқарилишдаги акциялар компания акциядорлари орасида ёпиқ обуна бўйича жойлаштирилади.

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати** – Акцияларнинг кўшимча чиқарилишини жойлаштирилиши қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича маъсул бўлган давлат ташкилотида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 12 ой ичида амалга оширилади.

**Акцияларни жойлаштириш бошланадиган сана** – Кўшимча акция чиқаришни давлат рўйхатига олинган сана.

**Акцияларни жойлаштириш тугайдиган сана** - Кўшимча акция чиқаришни давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 12 ойдан кечиктирилмасдан.

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишини бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштирилиш муддатини белгилаш тартиби.*

*Агар акцияларни жойлаштирилиш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)*

**11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби** – Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштириш уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида шартнома тузилмасдан амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштириш учун андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштирилиш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштирилиш эмитентга акцияларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан кўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартirilган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)*

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

<b>Тўлиқ номи:</b>	Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат ташкилоти
<b>Ташкилий-ҳуқуқий шакли:</b>	Давлат ташкилоти
<b>Жойлашган манзили:</b>	100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустакиллик Шох кўчаси, 107-уй

<b>Телефони, факс:</b>	267-37-42; 267-36-42
------------------------	----------------------

**Рўйхатга олувчи инвестицион воситачилар тўғрисида маълумот**

<b>1</b>	<b>Тўлиқ номи:</b>	«Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi» aksiyadorlik jamiyati
	<b>Ташкилий-ҳуқуқий шакли:</b>	акциядорлик жамияти
	<b>Жойлашган манзили:</b>	100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустакиллик Шох кўчаси, 107-уй
	<b>Телефони:</b>	267-35-20; 267-35-27

<b>2</b>	<b>Тўлиқ номи:</b>	«BIRINCHI BANKLARARO DEPOZITARIY» mas'uliyati cheklangan jamiyati
	<b>Ташкилий-ҳуқуқий шакли:</b>	масъулияти чекланган жамият
	<b>Жойлашган манзили:</b>	100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй
	<b>Телефони:</b>	233-29-07; 233-06-52

<b>3</b>	<b>Тўлиқ номи:</b>	«TAT-REESTR» mas'uliyati cheklangan jamiyati
	<b>Ташкилий-ҳуқуқий шакли:</b>	масъулияти чекланган жамият
	<b>Жойлашган манзили:</b>	100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй
	<b>Телефони:</b>	232-01-45

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби** – Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).*

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби** – ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича битта акция учун 1 (бир) сўм миқдорида жойлаштирилади.

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришида акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).*

**11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби** – ушбу қўшимча чиқарилган акциялар тўланиши 2018 йил соф фойдасидан 1 738 016 925,0 (бир миллиард еттиз юз ўттиз саккиз миллион ўн олти минг тўққиз юз йигирма беш) сўм даромад солиғи 91 474 575,0 (тўқсон бир миллион тўрт юз етмиш тўрт минг беш юз етмиш беш) сўм ушлаб қолингандан сўнг, Устав капиталини оширишга мўлжалланган қисмидан 1 829 491 500,0 (бир миллиард саккиз юз йигирма тўққиз миллион тўрт юз тўқсон бир минг беш юз) сўм миқдоридаги қисми ҳисобидан амалга оширилади.

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)*

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби** – ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, компания бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида, корпоратив ахборотлар ягона порталида, компаниянинг расмий вэб-сайтида расмий хабар беради. Акциялар тўлови сифатида олинган маблағларни қайтариш қонунчилиқда белгиланган тартибда бухгалтерия балансида тегишли проводка орқали амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн икки ой ичида ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 100 фоизидан ками жойлаштирилган бўлса, мазкур акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб ҳисобланади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби** – қўшимча акция чиқарилиш тўғрисидаги қарорнинг асли ва нусхаси билан танишиш ҳамда мазкур чиқариш бўйича керакли маълумотларни "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ нинг 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур Шох кўчаси 13, 13А манзилида жойлашган маъмурий биносидан олиш мумкин.

Қўшимча акцияларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тартиби ва муддати тўғрисида ахборотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ корпоратив ахборотлар Ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)), ҳамда компаниянинг расмий веб-сайтида [www.info@kafolat.uz](mailto:www.info@kafolat.uz) ошкор қилинади.

### **13. Қонунчилиқда кўзда тутилган бошқа маълумотлар:**

Рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари:

рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган: №999

солиқ хизмати органи томонидан берилган (СТИР): 202 288 236

Давлат статистика органи томонидан берилган рақамлар:

МШТ: 144

КТУТ: 16596762

ИФТУТ: 65120

МҲОБТ: 1726273